

МАКТАБ МЕНЕЖМЕНТИ – ТАЪЛИМНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ОМИЛИ

Р. Мусурмонов

Чирчиқ давлат педагогика институти доценти, п.ф.н.

А. Расулов

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада мактаб менежменти фанига кириш, менежмент фани мазмун-моҳияти, мактаб менежменти асослари фанининг вазифаси, замонавий таълим тушунчасига изоҳ, инновация ва инновацион таълим, таълим самарадорлигига эришишнинг инновацион аспекти атрафлича тўғрисида фикр юритилган, тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Таълим, педагогика, мактаб менежменти, инновация, педагогик кадр.

SCHOOL MANAGEMENT - A FACTOR TO TAKE EDUCATION TO A NEW LEVEL

R. Musurmonov

Ph.D., Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute

A. Rasulov

Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article discusses the introduction to the science of school management, the essence of the science of management, the role of the science of the basics of school management, an explanation of the concept of modern education, innovation and innovative education, innovative aspects of achieving educational effectiveness.

Keywords: Education, pedagogy, school management, innovation, pedagogical staff.

КИРИШ

Маълумки, 1997 йил 29-августда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси сессиясида “Таълим тўғрисида” ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинган эди. Ўтган йиллар мобайнида ана шу тарихий ҳужжатни амалга ошириш борасида Республикамиз умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермади. Бунинг асосий сабаби шундаки, ўқувчилар томонидан барча фанлардан эгалланиши мажбур этиб белгиланган билим, кўникма ва малака (БКМ) ларни давлат таълим стандартари (ДТС, минимал) талаблари даражасида ўзлаштирила олмаётганликларидир. Бунинг эса ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бор. Объектив сабаблар шундан иборатки, ДТС талаблари асосида БКМларни ўзлаштириш учун мактабларда етарли шарт-шароитлар яратилмаганлигидир. Хусусан, ўқув моддий базанинг ночорлиги, яъни фанларни чуқур ўзлаштириш учун етарли техник ва дидактик воситалар билан таъминланмаганлиги (лаборатория жиҳозлари, компьютер жамламалар ва бошқа электрон ўқув қурилмалар), малакали мутахассис ўқитувчиларнинг етишмаслиги, мактабларнинг ўқувчилар сонига номуносиблиги (икки ва уч навбатдаги ўқишлар), синфларда ўқувчилар сонининг (35-45 ўқувчи) кўплиги, ўқитувчилар меҳнатига кам ҳақ тўлаш, ўз вақтида рағбатлантирилмаганлиги, улар учун имтиёзларнинг берилмаганлиги; ўқув дарсликларининг талаб даражасида эмаслиги; субъектив омил эса, ўқитувчилар малакасининг пастлиги, янги инновацион педагогик технологиялардан кенг фойдалана олмасликлари, ўқувчиларнинг фан асосларини ўзлаштириш учун ҳафсаласизликлари, ота-оналарнинг мактаб билан мустаҳкам алоқада эмасликлари, маҳалла, жамоатчиликнинг эътиборсизлигини баралла кўрсатиш мумкин. Ана шундай муносабат ва масъулиятсизликлар оқибатида ўз даврида қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари тўла бажарилмасдан келди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Натижада халқ хўжалиги учун рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашдек долзарб масала пайсалга солинди. Ана шу камчилик ва нуқсонларларни бартараф этиш учун давлатимиз бир қатор қарорлар ва Президент фармонлари қабул қилиниб, мактаб таълимини янада ривожлантиришнинг концептуал асослари ишлаб чиқилмоқда. Эътиборга молик томони шундаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев юқорида эътироф этилган

камчиликларни бартараф этиш учун барча чораларни кўриш ва ижобий ҳал этишга жиддий киришдилар. Халқ таълимини янада ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида кўплаб меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, 2030 йилгача бўлган перспектив режалар ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш учун нафақат педагогик ходимлар, балки жамоатчиликнинг ҳам масъулияти оширилиши зарурлиги диққатга сазавордир. Асосий мақсад эса замонавий мактабларда таълим сифатини оширишга қаратилиши зарурий эҳтиёждир.

Мактаб таълими тизимини ислоҳ қилишга жиддий киришилганлигини қуйидаги фактларда кўришимиз мумкин. Кейинги уч йилда ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақлари 2,5 баробарга оширилди. Ўқитувчилар учун бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Хусусан, арзон уй-жойлар билан таъминлаш, уй ва автомашиналар сотиб олиш учун фоизсиз кредитлар ажратиш, уларни соғломлаштириш мақсадида санатория ва дам олиш масканларига йўлланмалар бериш йўлга қўйилмоқда. Ўтган йили ҳамма талабларга жавоб берадиган 160 га яқин барча зарурий жиҳозларга эга бўлган янги замонавий мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилди. Иқтидорли ўқувчилар учун Президент мактаблари, Темурбеклар мактаби, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф, Исоқжон Тўра каби миллатимиздан етишиб чиққан улуғ мутафаккирлар номи билан аталувчи махсус мактаблар ўз фаолиятларини бошлаб, кўплаб иқтидорли ўқувчиларни ўз бағрига олди. Бу таълим масканлари иш бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлмаган бўлсада, натижалар эса қувонарлидир. Ёшлар маънавиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб, “Ёш китобхонлар” кўрик-танловларини ўтказиш йўлга қўйилганлиги ҳам диққатга сазавордир.

Олий таълим муассасаларида рақобатбардош педагог кадрларни тайёрлаш масаласи ўта долзарблигича қолмоқда. Чунки малакали ўқитувчиларсиз масаланинг ечимини топиш амру маҳоллиги кундай равшан.

Академик Қори Ниёзий **“Агар сен ўқитувчи бўлман десанг, энг аввал яхшилаб ўйла, сен уни сеvimли касбингга айлантира оласанми? Ёки унга нисбатан майл ва рағбатинг борми? Чунки ўқитувчилик косиблик эмас”** деган эди. Улуғ алломанинг бу даъватида жуда катта маъно-мазмун мужассам. Агар сиз шу касбни жон-дилингиздан севиб, уни ўзингизнинг садоқатли касбингизга айлантира олсангизгина марра сизники бўлади. Олий таълимда бериладиган ҳар бир дарс-машғулот талабаларни ана шу кенг қамровли зиёли касб оламига секин-секин олиб киради. Ҳақиқий ўқитувчининг вазифа-бурчи фақат ўз фанидан ўқувчиларга билим беришигина эмас, балки у жамиятни

ҳаракатга келтирувчи мураккаб механизмларни моҳирлик билан бошқара оладиган рақобатга чидамли, ғайратли, ташаббускор мутахассисларни тайёрлашда бош ролни ўйнаши зарурдир. У жамият аъзоларининг маънавий-маърифий даражаларини юксалтириш учун хизмат қилиши ва ўзи ҳаммага намуна-ўрнатма бўла олиши керак. Ёшлар учун мактаб таълими пойдевор ҳисобланади. Агар пойдевор мустаҳкам бўлса, бундай иморатни юксакларга кўтариш ва ундан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш мумкин.

НАТИЖАЛАР

Шу ўринда педагог-ўқитувчи бўлиш орзуси билан олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба (бўлажак педагог) ларга мурожаат қилайлик.

Келинг, энди фикрлашайлик. Кечагина мактабдан чиқиб, бугун олий таълим бўсағасига қадам босган талабани қандай талаблар асосида замонавий ўқитувчилик касбига тайёрлаш зарур? Азиз талабаларимизнинг илоё, босган қадами кутлуғ бўлсин. Умид қиламизки, уларнинг бўлажак педагоглик касбига бўлган қизиқиши, изланишлари оқибати ўлароқ, талабалик бурчиз, мақсад ва вазифалари ижобати билан шу даргоҳга файз киритишига ишонгимиз келади.

Айтгимиз келадикки, агар сиз, сизга мактабда таълим-тарбия берган устозларингиздан фарқли ўлароқ, замон билан ҳамнафас бўлиб, замонавий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб, инновацион таълим технологиялари билан қуролланиб, жамият талабларига тўла жавоб берадиган ватанимизнинг фидойи ўқитувчиси бўлишингизни шиддат билан ривожланаётган давр талаб этади.

Мактаб менежменти фани биринчи марта педагогика олий таълим муассасаларига киритилди. Бу фанни киритишдан мақсад бўлажак мактаб ўқитувчиларини замонавий инновацион талаблар асосида тайёрлашдан иборат. Шу ўринда инновация сўзининг маъносига тўхталсак. “Инновация” – сўзи инглизча бўлиб, “янгилик ёки янгилик киритиш” деган маънони англатади. Демак, мақсадимиз таълимга ва ўқувчиларга таълим беришга инновацион ёндашиш зарурлигидан келиб чиқади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22-декабрь куни Олий мажлис мурожаатномасида “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлида ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк

келажимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашувлар асосида бошлашимиз керак”лигини эътироф этган эди.

Дарҳақиқат, кенг қўламли ислохотларнинг муҳим бўғини – инновациялар ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намоён этмоқда. Айни пайтда инновация тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Таълимга “инновацион янгилик киритиш” тизим ички тузилишини ўзгартиришни талаб қилади. Бунда инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир.

Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараёни қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир.

Бугунги кунда таълим жараёнида инновацион технологияларни ўқув жараёнида қўллашга қизиқиш, эътибор тобора кучайиб бормоқда, бунинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, инновацион технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари қизиқиб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келишиб чиқаришларига ўргатади. Педагог бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишга шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради.

МУҲОКАМА

Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли “новация” ва “инновация” тушунчалари ўртасидаги асосий фарқни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислохот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва қўлами асос бўлиб хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса, яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация хусусида фикр юритаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга ошириляётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим натижасига

ёки унинг приципиал ўзгаришига олиб келса, бу инновация ёки инновацион ўзгариш бўла олади.

Ҳар иккала тушунча мезонлари куйидагича: новация мавжуд назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхши ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг йўналишлари очилади, замонавий технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат самараларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. Инновацион жараён деб – инновацион ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнида айтилади. Инновацион жараён – бу педагогик янгиликлар, бу янгиликларнинг педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва улардан илмий асосда амалиётга самарали фойдаланишнинг ўзгариб боровчи яхлитликдир.

Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, тизимга ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият – бу узликсиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Инновацион фаолият – янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрнинг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга қаратилади. Инновациялар доимий равишда педагогик фаолиятга янгиликлар олиб кириш орқали таълим ривожига ҳисса қўшади, педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига тайёрлигининг ижтимоий ва касбий муҳим сифатлари нафақат таълим муассасидаги иқтисодий ва молиявий вазиятга, балки бевосита бу сифатларнинг талаб этилганлиги билан боғлиқдир. Касбий жиҳатдан муваффақиятли ўқитувчиларнинг малакалари ва касбий сифатлари замонавий таълим тизимининг асосий реал талаблари ҳисобланади. Инноватор-педагоглар бугунги кун таълим тизимининг талаби бўлиб, касбий чўққиларга эришиш учун малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларида таълимни чуқурлаштириш талаб этилади. Ўқитувчилар ўзларининг инновацион фаолиятни кенг ёйиш, ёш ўқитувчиларга ўргатиш, интерфаол ўқитиш усуллари очик дарсларда намоён қилишлари зарур. Бу ўқитувчилар ўз

фаолиятларини баҳолашнинг янги усулларини топиш, касбига бўлган қарашларни ўзгартириш, педагогик ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ўқитувчиларга касбий вазифалари тўғрисидаги тор тушунчаларнинг ўзгаришига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февральдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида қайд этилган – илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш каби вазифалар жорий йилда самарали амалга оширилиши шубҳасиз.

Бизга маълумки, педагогик жараёнлар педагогик тизим ичида кечади. Илгаридан лойиҳалаштирилган ҳар бир дидактик жараён маълум принциплал имкониятларга эга бўлиб, у ўқувчида билим, кўникма ва малакаларнинг сифатли шаклланишини назарда тутаяди. Бу деган сўз, биз таълим-тарбияда зарурий даражадаги натижани олиш учун педагогик тизимни такомиллаштиришимиз, унинг функциясини ижобий томонга йўналтиришимиз, интенсив педагогик жараённи вужудга келтиришимиз зарур.

Бундан хулоса шуки, таълим-тарбияда сифатли, самарали натижани олиш учун мавжуд педагогик тизимни модернизациялаштириб боришимиз керак. Шу муносабат билан инновацияларнинг объекти сифатида қуйидаги педагогик муаммоларни келтиришимиз мумкин:

- ўқув-тарбиявий фаолият мотивациясини ошириш;
- дарсда ўқув материаллари ҳажмини ошириш;
- ўқув жараёни самарадорлигини ошириш;
- таълим жараёнида вақтдан унумли фойдаланиш;
- таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг шахсий иштироки ва фаоллигига маъсулиятни ошириш.

Бу соҳада энг тўғри йўл – янгиликларни аста-секинлик билан, кетма-кетликда, узлуксиз, унинг натижавийлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда, ҳар томонлама ўйлаб, ўлчаб навбатдаги қадамларни босиб керак.

Бунинг учун инновацияларни педагогик жараёнга киритиш йўлларини белгилаш зарур:

- янги педагогик ғояларни шакллантириш;

- концепция ишлаб чиқиш;
- дастур яратиш; ижро механизмини ишлаб чиқиш;
- амалиётга жорий этиш.

Энди қайд этилган йўллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш босқичларини кўриб чиқамиз. У қуйидаги кўринишда бўлади:

№	Инновацион жараённинг босқичлари	Инновацион жараённи бошқариш
1.	Инновацияларни туғилиши эҳтиёжининг зарурияти ва унинг имкониятларини аниқлаш.	Муаммонинг туғилиши, унга халақит берувчи тўсиқлар, мақсадни амалга оширишда қаршилиқларни енгиб ўтиш, кичик тадқиқотлар, таҳлиллар, хоҳиш ва натижалар орасидаги фарқларни аниқлаш. Ўзгаришларни эҳтиёжий ҳолатини шакллантириш.
2.	Керакли янгиликларни излаш.	Ўқитувчи ва тегишли муассасалар иштирокида ижодий гуруҳни шакллантириш. Улар орасида инновацияларни, адабиётларни, илгор тажрибаларни ўрганиш бўйича вазифаларни тақсимлаш.
3.	Инновацияларни тайёрлаш.	Ўз хоҳиш ва истакларига кўра ижодий гуруҳ қатнашчиларини танлаш. Ижодий гуруҳ аъзоларини ўқитиш.
4.	Янгиликни ишлаб чиқиш. Лойиҳалаш, мақсадни аниқлаш. Мазмунни ишлаб чиқиш. Мезонларни белгилаш бўйича инновацияларни баҳолаш.	Ўқув режаларига ўзгартиришларни киритиш, семинарлар ўтказиш, тажриба-синов ишларининг дастурларини яратиш.
5.	Тажриба-синовлар асосида текшириш.	Тажриба-синовни таҳлил этиш, назорат этиш, дастурларга зарурий тузатишлар киритиш. Педагогик жамоага ишнинг бориши бўйича ахборот бериш, методик ёрдам ва психологик кўллаб-қувватлаш.
6.	Турли объектларда янгиликларни қайта такрорий синаб кўриш.	Юқори натижаларнинг қатъийлигини синаш мақсадида уларнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш.
7.	Тавсиялар ишлаб чиқиш.	Янгиликларнинг ахборот, дидактик, методик таъминотини яратиш.
8.	Янгиликларни қундалик амалиётга киритиш.	Янгилик тарқатиш.
9.	Янгиликларни амалиётга кенг ёйиш механизмини ишлаб чиқиш.	Жорий назорат ва шароитга мослаштириш шартларини ишлаб чиқиш, модернизация қилиш, эҳтиёж ва заруриятга кўра қўллаб, оммалаштириш ёки эътирозни қабул қилиш.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тарих шундан далолат берадики, инсон ўзининг ақл-заковати билан дастлабки меҳнат қуролларини ўйлаб топишдан, алгоритм ва нанозаррачалар, замонавий инновацион компьютер, супер

микроелектрон, биологик, ген муҳандислиги, қуёш ва бошқа юқори технологияларини кашф этишгача бўлган мураккаб йўлни айнан инновация – янгиликка интилиш орқали босиб ўтди.

REFERENCES

1. Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов Таълим сифатини бошқариш Т.: “Турон-Иқбол”, 2006. 590 б.
2. Халқ таълими журнали бош мақола “Инновация – янгиликка интилиш, келажакка қадам”, т.: 2018. № 1.4-6 б.
3. Ж.Ф.Йўлдошев “Инновацияларни таълим жараёнига узлуксиз равишда татбиқ этиш замон талаби” Т.: “Узлуксиз таълим” ж. 2011. № 6, 11-15 б.
4. Р.Мусурмонов “Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновацион ёндашувлар” Multidisciplinary Peer Reviewed Journal hamkorligidagi Xalqaro onlayn konferensiya. 2020-йил 18-19 июнь, Самарқанд.
5. Rasulov, R. (2021). COUNTERAGENT VALENCE OF STATE VERBS (ON THE MATERIAL OF THE UZBEK LANGUAGE). *Academic Research in Educational Sciences*, 2(1), 673-680.
6. Хайитов, О. Э. (2020). Моделирование психологической компетентности руководителя: концептуальный эмпирический анализ. *Academic research in educational sciences*, (3).